Тошкент оқшоми

Иҳтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 202 (7. 891) ◆ 1991 йил 18 октябрь, жума ◆ Нархи 8 тийин

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судлари ҳақида қонун қабул қилингунга қадар қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судларида кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига тўланади ёки ундириб олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ҳакамлик суди ушбу фармоини мустақил республикалар (давлатлар)нинг тегишли ҳакамлик органларига маълум қилсин.

3. Ушбу фармон 1991 йил 1 ноябрдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 16 октябрь.

Уй-жой қурилиши ва тақсимоти «Оқшом» назоратида

ШАҲРИМИЗ аҳолиси кундан-кунга ўсиб бормоқда. Табиийки, аҳоли ўсиши билан бир қаторда муаммолар ҳам кўпаяди. Аҳолини озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари ва бошқа нарсалар билан таъминлаш шулар жумласига киради. Лекин яна бир муаммо, бу оилаларни етарли уй-жой билан таъминлаш ва бу йўлдаги қийинчиликлардан иборатдир. Хўш, бу муаммо пойтахтимизнинг энг зич ҳудудларидан бўлган Куйбишев районида қандай ҳал этилмоқда?

Агар рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, шу йилнинг 1 сентябригача бир минг 737 та оила умумий навбатга ёзилишган. Имтиёзли навбатда турганлар сони 1009 кишини ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб 2 минг 746 одам навбат кутиб турибди. Булардан ташқари ўз улуши билан қатнашган корхона ва ташкилотлардагилар сони 5 минг дан ортиқ оилани ташкил этади.

— Биз навбатда турганлар сони жуда кўп бўлишига қарамай, уларни қисқартиришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди халқ депутатлари Куйбишев район ижроия комитети раисининг ўринбосари Муталиб Абдуллаев. — Шу саккиз ой ичида умумий навбатда турганларга 75 та янги хонадон ажратилди. Бундан ташқари бўшаб қолган уйлардан ҳам йилига 150 га яқин хонадон навбатда турганларга бериляпти.

Бизда имтиёзлилар рўйхати бор. Уларга Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети томонидан уйлар берилди. Жумладан, Улуғ Ватан уруши ногиронларига 24 та, боқувчиси урушда ҳалок бўлганларга 17 та, уруш қатнашчиларига 30 та, афғон урушида қатнашганларга 19 та ҳамда бошқа имтиёзли оилаларга 88 та хонадон ажратилди.



Сергели районида қад кўтараётган янги турар жой биноларидан бири.
Холмат Мирзакаримов сурати.

КЎНДАЛАНГ МУАММОЛАР

Районда уй-жой тақсимотидаги муаммоларга келсак, бу борада қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. Айни пайтда навбатда турганларга хонадонни асосан Дўстлик ва Сергели каби узоқ даҳалардан ажратилмоқда. Кўп кишилар бу ерларга иш жойи узоқлиги боисидан боргиси келмайди. Уларни тушунса бўлади. Нимага деганда яшовчиларнинг кўпчилиги шу атрофда ишлашади. Масалан, «Тошкент трактор заводи»да ишлайдиган ишчи ёки хизматчи шаҳарнинг у четига бориб келиши мантиққа тўғри келмайди.

Баъзи бир кишилар ўзларига ажратилган хонадонларга вақтида кўчиб кирмаётирлар. Натижада хонадон қаровсиз қолиб, ундаги кўп нарсалар йўқолиб кетаётир. Кейин хонадон эгалари эса ҳар хил ташкилотларга даъво қилиб юришади.

Муаммолардан энг асосийси шундан иборатки, районда уй-жой қурилишига ажратилган майдонлар ўз вақтида бўшатиб берилмаслигидир. Чунки бу атрофдаги эски уйларда яшовчи оилалар бунга имкон беришмайди. Уларнинг ташвишини ҳам тушуниш керак. Чунки эски уйларнинг эгалари аввало ўзлари яшаган жойдан хонадон ажратишни талаб қилиб шундай қиладилар.

Улар ҳақ. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг. Кишининг бутун умри шу ерда ўтсада, уни бир кунда бошқа жойда яшайсиз, десангиз. Айниқса бу ўзбек маҳаллалардагига қаттиқ таъсир ўтказмоқда. Бир маҳаллада яшаб, бориш-келиш қилиб юрган кишилар кейин ҳам ўша маҳалладошлари билан яшашни хоҳлайдилар. Биз эса бундай имкониятларга эга эмасмиз. Чунки районга хонадонларни шаҳар ижроия комитетидан ажратишади.

Кейин 1988 йили шаҳар сессияси қарорига биноан биринчи навбатда уйининг сатҳи ҳар бир кишига 5 квадрат метрдан кам келадиган оилаларга ажратилсин, деган банд бор. Шуни ҳам бир ўйлаб кўриш керак, деб ҳисоблайман. Айтайлик, сизнинг хонадонингиз уйингиздаги ҳар бир кишига 5,1 квадрат метрдан тўғри келади. Бироқ сиздан анча кейин навбатда турган кишиники 4,9 квадрат метрдан тўғри келади. Орадаги фарқ унча катта эмас. Лекин мен сиздан кейинги кишини биринчи бўлиб хонадон билан таъминлашга мажбурман. Қани бу ерда ижтимоий адолат?

Дарҳақиқат, шаҳримизнинг ҳамма жойидаги каби Куйбишев районида ҳам ҳозирги кунга келиб турар-жой муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Шуни ҳисобга олган райижроқўмдаги мутасадди раҳбарлар ҳамда уй-жой билан шуғулланувчи бўлимлар бу муаммони ҳал этишга ҳаракат қилишмоқда. Улар ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, хонадон эгаларига калитларни топширмоқдалар.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ ЯҚИН

ШАҲРИМИЗНИНГ Ал-Хоразмий даҳаси кун сайин обод ва кўркам бўлиб бораяпти. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад кўтараяпти. Уларни бунёд этишда 12-трестнинг 50-қурилиш бошқармаси илғор бригадаларидан Тоир Дадахонов бош бўлган жамоа жонбозлик кўрсатмоқда. Шу кунларда бригада аъзолари даҳада яна бир 12 қаватли турар жой биносини қўлдан чиқаришяпти. Бинони тез ва соз қурилишида жамоа бунёдкорларидан Андрей Иванов, Исмоил Рамкин, Шомаҳмуд Шоҳакимовларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

23 қурувчидан ташкил топган бригада аъзолари янги турар жой биносини яқин кунлар ичида фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Олтинбой РАЗЗОҚОВ.

Илтижоли хатлар

Умидим сизлардан

МЕН Ленин райони, Олтинкўл кўчаси 13-уйда яшайман. Улуғ Ватан уруши иккинчи гуруҳ ногиронман. Сизларга шуни арз қиламанки, ҳозир турган жойимиз йиқилиш ҳолатида.

Шу тўғрида 1987 йилдан буён уй-жой сўраб бормаган жойим қолмади. Мен турган уй кўп қаватли уйлар ўртасида қолиб кетган. Бу ҳақда Ленин район ижроия комитети уй-жой билан шуғулланувчи бўлимидагиларнинг ҳаммаси билади. Лекин ҳали ҳеч қандай шарт-шароитсиз яшаётганимизни била туриб, улар ҳеч қандай шароит яратиб бермаяпти.

Охирги умидим сизлардан. Менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан.

Қурбон РАҲИМОВ,
Улуғ Ватан урушининг иккинчи гуруҳ ногирони.

Ваъдадан нарига ўтишмаяпти

ҲУРМАТЛИ муҳарририят! Менинг Урта Осиё геология ва минерал манбалар хом ашёси илмгоҳига қарашли намуна яратиш экспедициясининг автокорхонасида ишлаганимга 16 йилдан ошди. Ишим яхши. Олаётган маошим ўзимга етади. Ҳамкасбларим олдидаги ҳурматим ҳам ёмон эмас. Лекин, мени бир нарса қийнаб келаяпти. У ҳам бўлса уй-жой муаммоси. Ҳозир биз оиламиз билан турар жойдан жуда қисилиб яшаяпмиз. Ун киши умумий майдони 41,12 квадрат метрдан иборат бўлган 4 сотиҳлик ҳовлида истиқомат қиламиз. Мен ўз оилам (беш киши) билан атиги 8 квадрат метрни ташкил қиладиган болахонада яшаймиз. Бундай шароитда яшаш биз учун жуда оғир.

Шунинг учун мен ишлаётган корхонамга бундан бир неча йил аввал уй-жой шароитимни яхшилашим учун навбатга қўйиш учун илтимос қилиб ариза бергандим. Аммо шу кунгача уй шароитим яхшиланганги йўқ. Бу ҳақда Узбекистон геология ва минерал манбалар давлат комитети раисининг муовини, Узбекистон халқ депутати Акбархўжа Раҳимов ва шу давлат комитети уй-жойлар тақсимлаш бўлимининг бошлиғи Виктор Локашовларга оиламни турар-жой билан таъминлашларини сўраб бир неча марта мурожаат қилдим. Шунга қарамай ҳеч қандай натижа бўлмаяпти.

Файзулла ЮСУПОВ,
Урта Осиё геология ва минерал манбалар хом ашёси илмгоҳига қарашли намуна яратиш экспедициясининг автокорхонаси ҳайдовчиси.

ТАРБИЯ ЎЧОҚЛАРИ УЧУН

Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Бу борада пойтахтнинг Ҳамза районида ҳам яхши тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, район миқёсида қўлланишга қаратилган ёшлар келажаги дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Истиқболга даъват этувчи ҳужжатни муваффақиятли амалга ошириш йўлида кўпгина ибратли ишлар қилинди. Ана шу хайрли режаларни турмушга тадбиқ этиш мақсадида маблағлар ажратилди. Район ижроия комитети эса ёшлар билан ишлаш учун уч юз минг сўм ажратадиган бўлди.

Мазкур пуллар районда янги ташкил этиладиган клублар, бирлашмалар, ёш ишбилармонлар курслари каби тарбия масканлари учун сарфланади.

Воҳид ВАЛИЕВ.

ТАЖРИБА МАРКАЗИ

БУГУНГИ кун талаби асосида замонавий дарсларни уюштиришда асосан нималарга аҳамият бериш керак? Ана шу масала жумҳурият ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий билимгоҳи рус тили ва адабиёти кабинетининг диққат марказида турибди. Шу сабабли кабинет бу борада орттирилаётган услубий тажрибаларни мустаҳкамлаш мақсадида бевосита мактабларнинг ўзида «Давра суҳбатлари»ни ўтказишни йўлга қўйди.

Шаҳримиздаги 119-ўрта мактабда яқинда уюштирилган бундай мулоқотда ўз касбининг моҳир усталари бўлган педагоглар иштирок этдилар. Билимгоҳ кафедра мудири Е. Йўлдошева бошқарган йиғилишда замонавий дарс ўтишнинг илғор усул ва методлари ҳақида қимматли фикрлар билдирилди.

Шунингдек, мазкур билим даргоҳида ўқитувчилар учун ташкил этилган мунозара клуби машғулотлари ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Саодат ОДИЛОВА.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Фарғона вилояти деҳқонлари қабул пунктларига 405 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб бериб йиллик режани бажардилар.

⊙ Бугун ўз ишини бошлаган Узбекистон ёзувчиларининг Х қурултойида 1986—1990 йилларда республика адабиёти мавзусидаги маърузани тинглаш, уюшма Низомини муҳокама этиш, бошқа масалаларни кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда.

⊙ Олтой ўлкаси билан Тошкент вилояти ўртасидаги анъанавий алоқаларни мустаҳкамлаш, янги шартномалар тузиш мақсадида Тошкентга Олтой ўлка ижроия комитети раисининг ўринбосари В. В. Конавалов бошчилигидаги делегация келди.

ИТТИФОҚДА

⊙ СССР халқ хўжалигининг шу йил тўққиз ойлик якунига кўра саноат ишлаб чиқариш ҳажми 6,4 фоизга камайган, истеъмолчиларга мўлжалдагидан 31,6 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилган. Ҳозир мустақил давлат бўлган Болтиқбўйи республикаларини ҳисобламаганда СССРда 160 миллион тоннага яқин дон ҳосили олиниши мўлжалланяпти. Бу ўтган йилдагидан қариб 25 фоиз камдир.

⊙ Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг тўртдан уч қисми овозини олган Левон Тер-Петросян Арманистон республикасининг биринчи Президенти қилиб сайланди. У сайлов натижаларини кутиб ўтирмасдан 17 октябрь куни Михаил Горбачев ва Озарбайжон Президенти Аёз Муталибов билан учрашиш учун Москвага келди.

⊙ Қозоғистон Президентининг умумхалқ сайловини шу йил 1 декабрда ўтказишга қарор қилинди. Республика Олий Кенгаши бу лавозимга ҳозирги Президент Нурсултон Назарбоев номзодини кўрсатди.

ХОРИЖДА

⊙ Япония ҳукумати Совет Иттифоқига Япония томонидан аввал ва ҳозир берилаётган қарзлар тўланишига кафолат берилишини сўраб марказ ва мустақил республикаларга мурожаат қилди.

⊙ Миср Президенти Ҳусайни Муборак Ироқ давлатига Саддам Ҳусайн бошчилик қилар экан, бу мамлакат билан дипломатик муносабатлар тикланмаслигини айтди.

⊙ Москвада Михаил Горбачев воситачилигида Сербия ва Хорватия Президентлари ўртасида ўт очиш тўхтатилиши тўғрисидаги битим имзоланиб бўлиниши биланоқ Хорватиянинг шарқий қисмида яна қонли жанглар бошланиб кетди.

⊙ АҚШнинг Техас штатидаги Киллин шаҳри қаҳвахоналаридан бирига тўсатдан кирган номаълум шахс пистолетдан ўт очиб, камида 22 кишини ўлдирди. 15 нафарга яқин одам бу тартибсиз ўқ отишдан ярадор бўлди. Қотил ўз-ўзини ҳам отиб ташлади.

«ОҚШОМ» ҚАЙТАДАН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ

КЕЧА Узбекистон Республикасининг матбуот бўйича давлат комитетида «Оқшом» шаҳар рўзномалари муассислари вакилларига ушбу нашрлар қайтадан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида 000101-гувоҳнома топширилди. Маълумки, ҳозирги пайтда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» муҳарририятларининг журналистлар жамоалари рўзномалар муассисларидир.

Қайта рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома Узбекистон Республикасининг матбуот бўйича давлат комитети раиси У. А. Абдураззоқов топширди.

Ҳар бир оиланинг дилбар суҳбатдошига айланган «Оқшом»га ёзилинг!

Обуна муддати тугашига 14 кун қолди. «Тошкент оқшоми»ни ўз вақтида олмоқчи бўлсангиз унга ёзилишни сўнгги кунларга қолдирманг!

ЖАҲОН КУБОГИ-91 WORLD CUP-91

ЎЙИНГОҲ УЗРА ШОДИЁНА

НИҲОЯТ, ногиронлар ўртасида Жаҳон Кубогининг энг асосий ўйинлари бошланадиган пайт ҳам келди. Кеча эрталаб шаҳримиздаги «Меҳнат резервлари» ўйингоҳи байрамона тус олди. Ишқибозлар билан тўла ўйингоҳда Кубокнинг катта футбол турнирининг очилиш тантаналари бўлди. Кубок қатнашчилари бўлган барча командалар яшил майдонда саф тортиб туришибди. Уларни Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари К. Р. Расулов табриклади. Сўнг спортчиларга саховатли ўзбек заминининг инъомларини тортиқ этишди. Дўппилар, гуллар совға қилинди. Доирачилар ва рақоса қизлар дастаси эса ўзлари тайёрлаб келган миллий ўйинлар билан меҳмонларни хурсанд этишди.

Сўнг майдонга биродарлашган Сиэтл — Тошкент ва бошқа жамоаларнинг ўйинчиларидан ташкил этилган терма командалар тушди. Дўстлик тантанасига бағишланган ушбу ўйинда жаҳон терма жамоасининг қўли баланд келди. Бироқ барча хурсанд, бутун ўйингоҳ узра кўтаринки кайфият.

Бугун катта футбол бўйича Кубокнинг ҳал қилувчи ўйинлари бошланади.

Дамир ИСЛОМОВ.

СУРАТЛАРДА: ногиронлар ўртасида катта футболнинг очилиш тантаналари.
Алимурот Мамадаминов суратлари.

БАРАКАЛЛА, «МАТОНАТ»!

Кеча, «Меҳнат резервлари» ўйингоҳида катта футбол турнирининг очилиш тантаналари ўтказилгач, Қибрайдаги ўқув-машғулот базасининг қишки залида кичик футбол бўйича ҳал қилувчи беллашувлар бўлиб ўтди. Бу ўйинлар олтин ва бронза нишонлари учун курашадиган командаларни аниқлаш лозим эди. Дастлаб ҳамшаҳарларимиз АҚШ жамоасини 4:0 ҳисобида енгдилар.

Англиялик чарм тўп усталари эса Барнаул жамоасини 3:0 ҳисобида доғда қолдирдилар. Бразилия — Сальвадор беллашувида эса 1:0 ҳисоби қайд этилди.

Тушдан сўнг дастлаб 3—4 ўринлар учун баҳс ўтказилди. Унда Бразилия ва Барнаул жамоалари куч синашдилар. Ягона тўп киритган бразилияликларга кичик футболнинг бронза нишонлари насиб этди.

Ҳал қилувчи ўйин олдидан мухбиримиз «Матонат» командасининг етакчи ўйинчилари ва жамоа бош устози билан суҳбатда бўлди.

Вячеслав АЛПАТОВ,
«Матонат»нинг бош устози.

— «Матонат»нинг Жаҳон Кубогидаги таркибини жуда кучли десак муболаға бўлмайди. Зеро, Кубокка биз жуда пухта тайёрландик. Энди англияликлар билан ўйинга келсак, ҳозиргача кичик футболда уч марта учрашган бўлсак, уларнинг барчасида 1:0 ҳисобида рақибларимиз ғалаба қозонишган. Шояд бугун ушбу анъанага барҳам берсак. Гап шундаки, ўйинчиларимиз беллашувга жуда қаттиқ тайёрланишди.

Аъзам ИСМАТОВ,
жамоанинг энг сермаҳсул ҳужумчиси.

— Ҳа, англияликлар жамоаси жуда кучли. Кичик футбол уларнинг севимли ўйини ҳисобланади. Зеро, бежиз улар аввал 4 маротаба Жаҳон Кубогини қўлга киритишмаган. Менимча, ҳозир англиялик футболчилар билан кучларимиз тенг.

Умар РУСТАМОВ,
«Матонат» ва мамлакат терма жамоасининг етакчи ярим ҳимоячиси.

— Янгиободда Кубок олдидан ўтказган йиғинимиз муваффақиятли бўлди. Натижада ҳозир жуда яхши спорт формасидамиз. Ўйлайманки, ғалаба қозонишимиз учун барча имкониятлар етарли.

Ҳақиқатан ҳам финал баҳсида матонатчилар бутун куч-ғайратларини ишга солдилар. Ўйин жуда кескин ўтди. Рақибларимиз ҳам бир нечта хавфли ҳужумлар уюштирдилар. Биринчи бўлимнинг охирларида Аъзам Исматов дарвозабон қайтарган тўпни аниқ зарба билан тўрга туширишга муваффақ бўлди. Ва 1:0 ҳисоби беллашув охиригача ўзгармади.

Шундай қилиб Тошкент чинни заводида маҳсус тайёрланган Кубокни жамоамиз сардори Олег Пушкарев бош узра баланд кўтарди. Матонатчиларга олтин медаллар ҳам топширилди.

«О2» хабар беради

⊙ 10 октябрь кундуз куни жиноий қидирув бўлими ҳамда ҳарбий прокуратура томонидан Собир Раҳимов район ҳарбий комиссариатининг қурол-аслаҳа хонасидан икки тўппонча ва уч ўқдон ўғирлагани учун 1974 йилда туғилган А. П. қўлга олинди.

⊙ 10 октябрь соат 14 да Тошкент Давлат Дорилфунуни физика факультетининг тажриба-техника кафедрасида ёнғин содир бўлди. 20 сониядан сўнг ёнғин бартараф этилиб, тўрт телевизор, хона жиҳозлари ва бир қанча буюмлар варар кўргани маълум бўлди.

⊙ 13 октябрь куни Тошкент отчопарида 1955 йилда туғилган, ҳеч ерда ишламайдиган олмалиқлик С. А. Тен қўлга олинди. У 140 сўмлик болалар устки кийимини 400 сўмдан пуллаётган эди. Орган ходимлари томонидан ундан 700 сўмни ташкил этувчи кийимлар тортиб олинди.

⊙ Якшанба куни Тошкент отчопарида жами 52 чайқовчи қўлга олиниб, улардан 25 минг 273 сўмлик моллар тортиб олинди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи.

Бозор иқтисодиёти алифбоси

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ ВА ҲАМКОРЛИК

Бозор иқтисодиёти Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишда фаол иштирок этишини тақозо қиляпти. Республикамиз мустақил деб эълон қилинишига қадар ҳам унинг ташқи иқтисодий алоқалари анча мустаҳкам бўлган. Чунончи, 1989 йилда Ўзбекистоннинг чет элларга экспорти миқдори 1,5 миллиард сўмликни ташкил этган. 1990 йилда бу миқдор бироз камайган бўлса-да салмоқлилигича қолган 1 миллиард 133 миллион сўмлик моллар экспорт қилинган.

Бироқ республика ташқи иқтисодий алоқаларининг муайян даражада бир ёқламалигини тан олмасликнинг иложи йўқ. 1990 йилда хорижга экспортнинг 86,7 фоизини хом ашё, турли материаллар, кенг истеъмол моллари ташкил этган. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари республика иқтисодий имкониятларининг 48 фоизига тенг бўлган ҳолда, уларнинг экспортдаги салмоғи 11,4 фоизни ташкил этади, холос.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қарор топтираётган ҳозирги пайтда унинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки сифат жиҳатидан бошқача бўлиши зарурлиги аён бўлса керак. Унинг ўз ҳудудидаги табиий ва иқтисодий бойликларнинг мустақил эгаси бўлганлиги жаҳон бозорида Ўзбекистонга истиқболли ва муносиб халқаро шерик, деб қарашга олиб келди. Шуни айтиш ўринлики, бугунги кунда республикада 300га яқин ташкилот, корхона, муассаса мустақил равишда ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқига эгадир. Колхоз ва совхозларга, фермерлик хўжаликларига режа бажарилган тақдирда пахта ҳосили ва пилланинг 5 фоизини мустақил сотиш ҳуқуқи берилиши бундай халқаро шериклар сонини сезиларли даражада кўпайтирди.

Ўзбекистон Республикасида халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этишнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги ҳам диққатга сазовор. Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида ва чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунлар шу мақсадга қаратилгандир.

Ана шу ҳужжатларда илгариги қонунлардан фарқли ўлароқ эътибор мафкуравий ақидаларга эмас, балки тамоман иқтисодий тижорат смикларига қаратилди. Яъни, уларга кўра хўжалик юритувчи исталган корхона ёки шахс иқтисодий алоқаларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон давлати ўз қонунларида илк бор хорижий фирмаларга иш юритиш ҳамда фойда орттириш, ўз маҳсулотини экспортга чиқариш, олган фойдасини ўз мамлакатига ўтказиш билан бир қаторда чет эл сармоядорларига ва қўшма корхоналарга қатор имтиёзлар беришни ҳам кўзда тутади.

Биз чет эл инвестицияларига национализация ва мусодара шартлари даҳл этмаслигига ҳам қатъий кафолатлар бердик. Бу кафолат Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг ташкил этила бошланган олтин заҳираси ва олмос жамғармаси билан ҳам таъминланади.

Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишнинг энг самарали усулларидан бири қўшма корхоналар тузишдир. Италия билан ҳамкорликдаги «Совпластитал», Хитой билан ҳамкорликдаги «Ташинтерм», Болгария билан ҳамкорликдаги «Вариант» қўшма корхоналарининг маҳсулотларини ҳозирда биргина тошкентликлар, республикамиз аҳолисигина эмас, иттифоқда, ҳатто хорижда ҳам яхши билишади.

Умуман, 1991 йил 1 январига қадар республикада 30та қўшма корхона рўйхатдан ўтган эди. Амалда уларнинг 14таси маҳсулот ишлаб чиқармоқда ва хизмат кўрсатмоқда. Улар ўтган йили амалдаги нархларда 171,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг бор-йўғи 0,7 фоизини ташкил этиши назарда тутилса, қўшма корхоналар энди дастлабки қадамларини қўя бошлаганликлари маълум бўлади.

Тошкент ишбилармонлар учрашуви жаҳон бозори сари одимларимизни сезиларли даражада тезлаштирди. Дастлабки маълумотлар ушбу амалий учрашувлар натижасида 30та қўшма корхона тузилганлиги, 69та ана шундай корхона тузиш юзасидан 18 хорижий мамлакатдан келган 56 шерик билан келишиб олинганлигини кўрсатди. Тузилган қўшма корхоналарнинг 370 миллион инвалюта сўм дастлабки маблағи бор. Улар биргаликда йилига умумий қиймати 2,7 миллиард инвалюта сўми ҳисобида маҳсулот чиқаришлари мўлжалланмоқда. Буни яқингача ўзимиз ишлаб топган, бироқ бошқалар амр-фармойиши билан сарфланган валюта билан тақосласак икки баравар кўплигини кўрамиз.

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, мустақил Ўзбекистон Республикасининг олтин заҳираси билан кафолати Тошкент ишбилармонларининг беш кунлик учрашуви давомида бизга 489 миллион инвалюта сўмлик қарз олишни расмийлаштиришга имкон берди. 66 миллион АҚШ доллари миқдорида савдо битимлари тузилди.

Қўшма корхоналар тузишда ўзбекистонлик тадбиркорлар чет эллик шерикларига валюта сарфлашни ва энг янги технологиялар етказиб беришни шарт қилиб қўйишди. Худди шу асосда нафақат республика, иттифоқ, балки жаҳон бозорида ҳам харидоргир моллар — қуруқ мева, консервалар, ширинликлар, сигареталар, чит ва ипак газлама, кўнчилик маҳсулотлари, қоракўл теридан қилинган буюмлар, юмшоқ сочиқ, аёллар колготкаси, эркаклар пайпоғи, эркаклар, аёллар ва болалар учун турли-туман кийимкечак, пойабзал, магнитофонлар, миксерлар, электр дазмоллар, самоварлар, сопол санитария-техника буюмлари, кошин, гилам, уй жиҳозлари, сопол буюмлар, мармардан ва унча қиммат бўлмаган тошлардан ясалган буюмлар зўлдирли авторучкалар, фломастерлар, духоба, ғижим духоба, конденционерлар ишлаб чиқарилади. Аминмизки, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши пировард натижада республика аҳолисининг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Эркин МАДИЕРОВ.

Шукрулло — 70 ёшда

ҚАСАМИГА СОДИҚ АДИБ

⊙ СУРАТДА: Шукрулло ижодкор дўстлари даврасида.

⊙ Эрта билан Шукрулло домланинг дарвозасини тақиллатдим. Эшик очилиб, зинада елкасига тўн ташлаган домла кўринди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, бироз келишимдан муддаони айтишга истиҳола қилиб турдим.

— Қутлуғ тўйларингиз билан қутлагани келувдим, — дедим.

— Раҳмат, — домла кулдилар, — саҳарлаб фақат шу учун келмаган кўринасан!

— «Оқшом»га ҳам икки оғиз суҳбатингизни дариғ тутмасангиз, — дедим енгил тортиб.

— Суҳбат! — домла ажабландилар, — ҳамма газетага суҳбатми! Бир хил сўзларни такрорлайверишимдан нима фойда!

Тарвузим қўлтиғимдан тушди. Кўндиришга астойдил урнинувдим, домла гапимни бўлдилар:

— Менга қара, «Жавоҳирот сандиғини» ўқиганмисан! «Кафансиз кўмилганлар»ни-чи!

— Ёд бўлиб кетгандир, домла, — дедим.

— Ана, бутун таржимаи ҳолимни билар экансан. Шеърларимни, табиий ўқигансан. Ҳамза театр саҳнасида қўйилган драмаларимнинг биронтасини кўрганмисан! Ҳа, балли! Яна нимани қўшимча қиламан сенга! Шукруллони билар экансанку, дилингдаги гапни ёз, вассалом, менга шу сўзинг қадрли бўлади. Эртага бир қўнғироқ қилсанг, суратлар бераман. Уйингда борми телефонинг!

— Йўқ, қишлоқда яшаймайку домла!

— Менга қара, ўша ёқдан келдингми! Эй, шошма бўлмаса, суратларни танлаб олайлик.

Хуллас иккн-учта сурат, иккн-учта шеър танлаб олдик. Домла билан хайрлашиб, кетяпману хаёлимда бир фикр: нимани ёзаман! Охири Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ҳақида ўзимнинг дилимдаги гапларни ёзишга жазм қилдим.

●

...ОЛТМИШИНЧИ йилларнинг ўрталарида бирин-кетин биридан-бири чиройли китоблар чоп этила бошланди. Улар орасида бизга жуда манзур ва маъқул бўлгани Мамарасул Бобоевнинг «Юрагимнинг айтганлари», кейин Шукруллонинг «Инсон ва яхшилик» китоблари эди. Биз деганим ҳозирликда ўзининг шеърлари, ҳикоя ва қиссалари билан ихлосмандларга танилиб қолган Эмин Усмон, Шавкат Туроб, Абдулҳай Носир, Рауф Толиблар эди. Ўша йиллари адабий тўгаракларда қатнашиш одат тусига кирган, ҳаммамиз раҳматли Хайриддин Салоҳнинг тўгарагига иштирок этардик. Қизғин шеърхонлик, ундан ҳам қизғин муҳокамалар бўларди. Бир-биримизни роса «саваладик», кўнглимизга ёққан шоирлар билан учрашишга интилардик, қаерда бўлмасин тўрт қатор шеър ўқиб, уларнинг илиқ гапини эшитишни хоҳлардик.

Бир куни Шавкатга дилимдагини айтдим:

— Шеърларимни шоир Шукруллога ўқиб бермоқчиман.

— Б-э-з, у сени қабул қиладими? Аввал шуни ўйла.

— Жуда яхши одам дейишяпти. Қоратошда турар экан.

Хуллас, домланикига борадиган бўлдим. Худди кечагидек эсимда: қўлимда бир даста шеър, сўраб-суриштириб, ёзнинг бир кунида Шукрулло домлани излаб бордим. У киши ҳовлидаги сўрида ёнбошлаб дам олаётган эканлар, чиқиб, жуда яхши қадрдонлардай кўришдилар.

— Кел, укажон, қандай шамол учирди? — дедилар менга ширинсуханлик билан.

— Шу, мен шоирман, — дедим дабдурустдан, — бириккита шеърларимдан ўқиб берсам, деб келувдим.

— Ўзи менинг шеърларимни ўқиганмисан?

— Ўқиганман, сизни тўгарак раҳбаримиз Хайриддин Салоҳ ҳам кўп мақтаб гапирадилар, — дедим ва «Сўроқ бўлармиди» шеърини ўқий бошладим:

Агар тун бўлмаса чироқ бўлармиди!
Ишқда вафо бўлса фироқ бўлармиди!
Бир ишванинг ўзи ишққа мухр бўлса,
Севасанми, деган сўроқ бўлармиди.

— Буни, — дедим, — Фахриддин Умаров қўшиқ қилиб айтади.

— Э, баракалла! — Шукрулло домла елкамга уриб қўйдилар, — ўзи нима иш қиласан? Бирон касбинг борми?

— Ўнинчи синфни битирдим, ҳозир колхозда ишлаяпман, — дедим. — Энди шеъримни эшитасизми?

— Эшитаман, — дедилар у киши, — қани, ўқи-чи, деҳқон шоир.

— Мен иккита шеъримни ўқидим.

— Дўруст, — дедилар Шукрулло ака, — далатобгина шеърлар экан. Соддагина. Энди бундай, ўқишни давом эттирасанми?

— Дорилфунунга кирмоқчиман, — дедим, — журналистика факультетига.

— Бўлмаса, дорилфунунга аввал кир. Кирган заҳотинг кел, ўшанда албатта, ҳамма шеърларингни ўқиймиз. Келишдикми?

Шундай қилиб, домланикидан топшириқ билан қайтдим. Билмадим, домла ўшанда мендан қутулмоқчи бўлганмилар ёки қаердадир кўришганманов, — дедилар чой қуйиб узататуриб, — лекин қаердалигини эслолмаяпман.

— Эски ҳовлингизда, — дедим дарров, — шеърларимни кўрсатгани борган эдим.

— Э, ўқишни битирдингми? Зўр бўлибди-да! Келмай кетганингга кетмон билан ошна бўлиб кетдиёв деб ўйлаб кўярдим. Қани, дастурхонга қара...

Мен дастурхонга эмас, деворда ги суратларга қарардим. Қайсин Қулиев, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Давид Қуғултинов, Мустай Каримлар билан бирга тушган суратлар. Биз уларни узоқдан бўлса ҳам бир кўришни орзу қиламиз...

— Дўстларим, — дедилар Шукрулло ака, — Қайсин йўқ ҳозир. Ўзиям ёниб шеър ёзарди... Охири ўзини ҳам ёндириб кетди бу оташ назм.

Кейин Қайсин Қулиев билан бўлган суҳбатларни, Чингиз Айтматов билан кечган жўшқин онларни эсладилар.

— Уларнинг ҳаммаси шу уйда бўлишган, — дедилар домла, — шу уй тонггача давом этган суҳбатларга гувоҳ...

...«Жавоҳирот сандиғи» ва «Кафансиз кўмилганлар»ни ўқиб, халқимиз бошига тушган мусибатларидан юрак-бағрим ўртаниб кетди. Не кўргулик, не сир-синоатки кўрган эсли ҳушли одам «Халқ душмани», уддабуронлар эса «қулоқ»? Ёпирай, бу халқни, ўзлигини билган миллатни хароб қилишдан бошқа нарса эмас.

— Сен ўқиб шунчалик аҳволга тушибсан, — дедилар домла, — мен, менинг қаламкаш дўстларим ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Яхшиямки мўйлов вафот этди. Бўлмаса сен билан бунақа ўтириб суҳбат қилмас эдим ҳам, ука.

«Кафансиз кўмилганлар»да тўрт қатор шеър бор. Ўша шеър Шукрулло домланинг ҳибс этилишига дастаклардан бири бўлган. Домла ҳам уни кўп тўпламларига киритганлар. Бу ҳам Шукруллога хос ўжарлик, бир сўзлиликнинг намунаси. «Қасам» номли тўрт қатор шеър бу турур.

Вужудимни тилиб, тилка-тилка
Айла, виждонимни сотмайман.
Халқ дардини жойладим дилга,
Ҳатто ўлимдан ҳам қайтмайман.

Ҳаётдаги йўл, мақсад, яшаш мазмуни шу тўрт сатр. Шукрулло домланинг суврати шу тўрт сатр.

Халқимизда бир нақл бор: «Юк кўтарган юзага чиқади». Шукрулло домла кўтарган юк унақа-бунақа юк эмас. Мабодо шу юкларни филга юкласа йиқилиб қолар... Шукрулло домла йиқилмади. Чунки уни умид қўллаб турарди. Уни тоза юраги ҳамиша яхши кунлар олдиндалигини кўра оларди. Бу бир қадар ясама гап бўлиб туюлиши мумкин, лекин ҳақ гап.

У билан бугун умр захматини бирга тортишган умр йўлдоши Мунаввархон ая ҳам бугунги бахтиёрликдан кўнгли эриб яшаётган бўлса ажаб эмас.

Ёруғ кунларга Шукрулло домла етиб келдилар. Бугун у кишини билмайдиган, танимайдиган шеърият ихлосманди йўқ. Домла Ўзбекистон Президент Кенгаши аъзоси сифатида ҳам тиним билмай ишламоқда. Бир сафар Шукрулло домлага:

— Домлажон, ҳамма орзунгиз ушалёпти. Энди етказган кунига шукур қилиб юрсангиз ҳам бўлар, — деб қоламанми!...

— Йўқ, — дедилар домла, — умримнинг энг сермаҳсул йиллари изтиробда ўтди. Халқ учун кўнглимда бор нарсани беролмадим. Ўша йилларнинг ўрнини тўлдириш учун кўпроқ, самаралироқ ишлашим керак.

Ушбу суҳбатдан сал ўтмай «Аср баҳси» достони эълон қилинди. У ҳақда Чингиз Айтматовдан тортиб Мустай Каримгача яхши баҳо берди. Лекин достон чиқдию тақиқланди. Шукрулло домланинг бошн узра яна булутлар пайдо бўлди. Холис ниятли «дўстлар» бу сафар ҳам «яхши хизмат» қилишди: достонни қоралаб тегишли идораларга чопишди...

Кунлар кетидан кунлар ўтаверади экан. Лекин у қандай ўтади — ҳамма гап мана шунда. Хаёлан ўзимни Шукрулло аканинг ўрнига қўйиб кўраман: мен шундай яшай олармидим? Иродам етармиди? Ҳатто энг атоқлиларнинг ҳам иродаси етмаганку? Еки давр пучмоқларида қалқиб йўқ бўлиб кетармидим?

Инсон ва яхшилик туйғулари Шукрулло шеърларининг ўзагини ташкил этади. У яратган драмаларда, эрта-индин Ҳамза номли театр саҳнасида ҳалоллик, диёнат билан ноҳақлик, ҳиёнат ўртасидаги курашлар акс этган, инсон қадр-қиммати қаламга олинган.

Улуғ озар адиби Мирзо Иброҳимов «Ҳикматлар, донолик сандиғи» деб номлаган «Жавоҳирот сандиғи» китоби домланинг яхши кунларга шукронаси деб ўйлайман.

Шукрулло аканинг ижоди ҳақида соатлаб гапириш, таҳлил қилиш мумкин. Бу ишни қўйиб турайлик-да, бир воқеани эслайлик.

Домланинг айтишича, Михаил Светлов Владимир Луговскойнинг юбилей кечасида унинг билан боғлиқ ҳангомаларни, бир шеър ёзиб, хотинидан дакки еб кўчада қолганларини гапириб, йиғилганларнинг ичагини узган экан.

— Тўй аслида шунақа бўлади, — дедилар домла, — бир соатлаб маъруза ўқиймиз, концертлар кўрамиз. Тўй дегани яхши-ёмон кунларни эслаб шукур қилиш, ўтган-кетганни хотирлаш дегани.

Эътиборли бир йиғилишда, эътиборли бир одам:

— Ёзувчилар ҳамма нарсага аралашавермасин, асарини ёзсин, — дегани эсимда.

Бу гапдан домланинг бир-икки кун хуноби ошиб ҳам юрган бўлсалар керак. Рўзнома идорасига ташриф буюрганларида, ўша гапни эслаб қолдилар.

— Тўғри-да, — дедим, — ямоқчининг ишига сувоқчи аралашмасин, деган гап бор.

— Ямоқчи ямаган пойабзални сувоқчи ҳам киядими? Сувоқчи суваган уйда ямоқчи ҳам яшайдими? Демак аралашади, — дедилар домла, — ёзувчи халқи ҳамма нарсага масъул!

Шукрулло домла! Шундай қутлуғ кунларда, муборак етмиш йиллик тўйингизда сизга қуллуқ қилиб, демоқчиман:

— Ҳамиша соғ-омон бўлинг! Сиз учун халқим деб яшашдан, халқ билан яшашдан улуғроқ бахт йўқ назаримда! Ҳамиша шу бахтингиз бошингиз узра соябон бўлсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири.

ЖАНЖАЛСИЗ УЙ

Баъзи бир дўстларим, хотиним билан
Айтишиб қолдим, деб арз қилар менга.
Тўғрисини айтсам, ҳасратин тинглаб,
Ичимда ҳаваснм келади унга.
Эр-хотин талашиб, гоҳо тортишиб,
Бирон иш битирса нимаси ёмон!
Дардларинг ётса-ю дилингда тошиб,
Аммо айтишликка бўлмаса имкон,
Мана бу ёмон.
Балки хотининг йўқ, тилинг йўқ, дерсиз,
Йўқ-йўқ хотиним ҳам, тил-жағим ҳам бор.
Аммо ҳеч кишини дучор қилмасин
Менинг хотинимдай хотинга эзиҳор.
Қизиқ одати бор — бир гап бошласам,
Оғиз очирганн мени қўймайди.
Энди сезгандирсиз, шунинг учун ҳам
Бизнинг онлада жанжал бўлмайди.

И З

Яна баҳор келди! Қолган умр ҳам
Аста ўтиб эригандек қор.
Боболар айтгандек бу дунё биркам,
Эй, дўстим, афсус деб, хўрсинма зинҳор!
Кечаги биллур қор, қара, йўқ бугун...
Ариқлар шилдираб, куйлаб оқмоқда.
Қирда қор парчаси остидан гулгун
Майсалар бўй чўзиб, яшнаб боқмоқда.
«Узилган бир киприк абад йўқолмас!»
Ҳеч нарса келмагай, ўтмагай бенз.
Кимдир қаср солар, кимдир ер чопар,
Ҳаётда ҳар кимдан қолур битта из.
О, кимдан яхши из, бир нишон қолса,
Бунинг савобига ҳеч нарса етмас!
Аммо сен қолдирган изни кўрганда
«Дунёни топтабди!» демасалар, бас!

КЕКСАЛИК ҲАҚИДА

Дарахт тепа шохдан, одам оёқдан
Қарийди дейдилар, бу ҳам бир ҳикмат.
Бундай ўйлаб кўрсам, бутун нарсани
Ҳисобли яратган доно табиат.
Яхшики одамнинг куч-қувватини
Белу оёгидан аввал олади.
Бўлмаса, бу оёқ кексайганингда
Сени қай йўлларга судраб қоларди.

Ўн марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деганларидек, дарс машғулотларини кўргазмали ўқув қуроллари билан ўтказиш ҳаётий бўлади. Тошкент педагогика билим юртининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Наталья Владимировна Струченко ўқувчиларига ҳар бир мавзуни суратда кўриб турганингиздек амалий равишда тушунтиради.

Уктам Шарипов сурати.

Анъаналар — халқ мулки

ТОҒ АЖОЙИБОТЛАРИ





ТОҒЛАРДА уйлар тоғ ёнбағри ҳисобига, асосан икки ёки уч қаватли қилиб қурилади. Биринчи қават молхона вазифасини бажарса, иккинчи қаватда турар хоналар жойлашган бўлади. Қизғин шундаки, биринчи қаватнинг томлари иккинчи қават учун ҳовли вазифасини бажаради.

Тоғ қишлоқлари бўйлаб қилган саёҳатимда Тамшуш тоғ қишлоғида бир хўжалик том устида учта буқа билан ўт майдалаётганининг гувоҳи бўлдим. Демак, тоғларда уйнинг томи фақат ҳовли вазифасини бажарибгина қолмай, балки иш жойи вазифасини ҳам бажарар экан. (суратга қаранг)

Тоғларда кўпчилик қишлоқларнинг номлари шу қишлоқни кесиб ўтган сой ёки чашмалар билан аталади. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Денов районида Куёв суви деган қишлоқ бор. Унинг номи ҳақида қишлоқ аҳолисининг айтишларига қараганда, бир пайтлар шу қишлоқ сойидан сув худди тўйда «куёв» оқшомда ташриф буюрганга ўхшаб фақатгина кечқурун келар экан. Шунинг учун қишлоқ ҳазиломуз тарзда «Куёв суви» деб юритилган.

Қашқадарё вилоятининг Сув тушар деган тоғ қишлоғининг номи эса қишлоқдан тўрт километр юқоридаги шаршара номи билан аталади. Бу ерда тахминан 200 метр баландликдаги тоғ чўққисидан пастга қараб бир сой суви оқиб тушади. Шаршара остидаги сой атрофидаги ўрмонзор давлат муҳофазасига олинган. Шу шаршара остида бир уй бўлиб унда ўчоқ, қозон, товоқ ва бошқа жиҳозлар дам олиш учун келганларга тайёрлаб қўйилган.

Иккинчи расмдаги тасвирланган нарса аслида тандир вазифасини бажаради. Бу Сурхондарё вилоятининг Мачай тоғ қишлоғида Уста Тўрақул томонидан қурилган. У ясси тошлардан тик ҳолда қурилган бўлиб, ён томонларидан бўртиб чиққан ясси тошлар тандирнинг умумий тузилишини уйғунлаштириш билан бирга, нарса қўйиш учун ҳам ишлатилади. Тандирда нон ёпадиган бўшлиқ, олов ёқадиган, кул тушадиган ва тутун чиқадиган йўллар ҳам мавжуд. Унинг ёнида эса учта ясси тош ёрдамида хонтахта ҳам бунёд этилган.

Шу қишлоқда 1938 йили Муслимой Бегимова биринчи бўлиб катта буғдой донасини топган. У том орқасидаги ҳосилни йиғиб олаётганда бир дона катта буғдойни топиб рўмолига тугиб қўйган, иккинчи йили шу буғдойни бир чеккага экиб икки бошоқ, учинчи йили эса ундан икки баравар зиёд ҳосил олган. Шундай қилиб, уч-тўрт йил ичида бир тонна янги нав буғдой олган. Шу сабабли бу нав буғдой унинг номи билан муслимка буғдойи дейилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё тоғ қишлоқларида ҳозирги кунда ҳам ажойиб сандиқлар тайёрланади. Бу сандиқларнинг олд томонидаги ёғочга ўймакорлик билан худди қадимги даврлардаги эшиклардагидек нақшлар туширилган. Унинг ярми бир неча бўлаклардан иборат бўлиб, шу бўлакларнинг биттасига қулф ўрнатилади. Шу бўлаги чиқариб олинса, қолган бўлаклари ҳам олиниб сандиқ очилади. Бундай сандиқлар ўз вазифасидан ташқари, чиройли кўринишн билан бадиий санъат безаги сифатида ҳам хизмат қилади. Унинг яна шундай яхши томони борки, бордию сандиқни очмоқчи бўлсангиз устидаги кўрпа-тўшакларни бир чеккадан тушириб ўтирмайсиз. Худди шундай сандиқлар Нурота тоғ қишлоқларида ҳам қадим даврларда ясалган бўлиб, уни «кат» деб аташган.

Додо НОЗИЛОВ, меъмор.

Энг афзали тотувлик

РАҲМАТ СИЗГА, ОДАМЛАР!

ТУН ярмидан оққанда қаттиқ чинқириқ овозидан уйғониб кетдим. Рўпарамиздаги қўшнимиз марҳум Рифат оғанинг уйи ёнарди. Югуриб пастга тушсам тумонат одам. Биров сувга чопган, биров нарвонга. Жабрдийда оиланинг қўрқувдан эс-ҳушини йўқотган қизчаси Шоҳида эса уй ичида икки укаси ва онаси Зинфия опа қолиб кетганини айтиб атрофга зир югурарди.

Маҳалламизнинг Каримжон ва Жақиббой деган йигитлари «жазавага тушган» ёнғиннинг оловли тилини писанд этмай ўзларини ичкари уришди. Зум ўтмай улар ўт ичида қолиб кетган икки гўдакни машаққатлар билан олиб чиқишди. Йигитларнинг усти-боши ёниб борарди. Яхшиямки одамлар қўлидаги челакларда сув бор экан. Улар юз-кўзларига сепилган муздек сувдан тетиклашиб қолишди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демай яна ичкарига интилишди. Бу сафар йигитлар оила бошлиғи Зинфия опани сургаб чиқишди. Афсуски, у оламдан ўтган, аёвсиз ёнғин ўз кучини кўрсатиб бўлган эди.

Одамлар ҳимматига қойилман. Кўпчилик ҳамласига ёнғин ҳам тоб беролмади. Сусая-сусая охири ўчди. Маҳалла хотинлари жабрдийда болаларни дарҳол ўз бағриларига олишди. Зинфия опанинг жасади қўлмақўл бўлиб кетди. Фаоллар шу ернинг ўзида маслаҳатлашиб олишди. Марҳуманинг қариндош-уруғлари узоқ шаҳарда яшаётганлиги ва улар бу ерга етиб келгунча анча вақт ўтиб кетишини ҳисобга олишиб, дафн маросимини ўзлари ўтказадиган бўлишди...

Тобут кўтарилди. Аста атрофга назар ташлайман. Одамлар оқимининг кети кўринмайди. Қаранг, шунча киши армон билан оламдан кетган татар аёлининг хоки ҳурмати учун келибди-я. Уларни кузата туриб беихтиёр «Раҳмат сизга, одамлар» деб ҳайқиргим келди.

Жасадни қабрга тушираётганимизда бирдан кўзим марҳуманинг кенжа ўғли, етти ёшли Нуриллога тушиб қолди. Йўқ, у опалари сингари чириллаб йиғламасди. Кўзлари уни кечагина нақд ўлим исканжасидан қутқарган халоскори Каримжонга қадалган эди. Ким билсин ҳозир болакай қандай хаёллар оғушида экан? Балки, катта бўлса Каримжон акасидек жасоратли йигит бўлишини орзу қилаётгандир? Балки, унинг олдидаги одамийлик қарзидан қандай қилиб қутилиш йўлларини ўйлаётгандир? Балки, бу Каримжон сингари қалби кенг, маҳалладошлари ҳимматига бўлган ўксик қалб таъзимидир?

ҲАЁТ БЕЗАГИ

ТОЖИКИСТОНЛИК Умид Зокиров ва тошкентлик Карима Ҳасановаларнинг тақдири боғланиб тўйлари ширин, ихчам ва мазмунли ўтди.

Карима — Охунбобоев номли тиббий билим юртини тугаллаб ишлаш учун Тожикистонга йўлланма олди. У борган муассаса тиббий хизматчилари ёш мутахассисни ўз сафларига жон дилдан қабул қилишди. Поликлиниканинг кўзга кўринган ёш врачларидан Умид Зокиров Каримага раҳбарлик қилди. У ўз касбига сидқидилдан ихлос қўйган қизга барча жараён мураккабликларини чин дилдан ўргатди. Карима билим юртида олган таълимини амалиётда қўллади. Қийналган вақтларда Умид унга ёрдамга келди. Шундай кезларда қиз бу очиқ кўнгил йигитга миннатдорчилик билдирар, ундаги қобилият ва сезгирликка ҳавас қиларди.

Орадан ўтган икки йил гўё қиз ва йигит учун синов йиллари бўлди. Бу даврда улар ўзларидаги билим ва касбга ихлосдан ташқари характерларини ҳам синовдан ўтказишди. Бир-бирларига кўнгил қўйишди.

Ҳар икки ёшнинг ота-оналари фарзандлари таклифига монелик билдирмадилар. Уларга чин дилдан бахт ва саодат тиладилар. Яқинда шаҳримизнинг шинам ва чиройли қаҳвахоналаридан бирида ўтган бу тўйда қатнашган кишилар бир олам завқ билан уйларига қайтишди.

ЯХШИЛИК ЯХШИ-ДА!

МАКТАБДОШ дўстим Ҳасанжон Неъматовни кузатгани тайёрагоҳга чиқдим. У илмий иши юзасидан маслаҳатлашиш учун домласи — Екатеринбург дорилфунунининг профессори Сергей Михайлович Богачов ҳузурига кетаётган эди. Тайёрагоҳда одам тирбанд. Келди-кетдининг охири узилмайди.

Тайёрага чиқишга роса бир соат қолганда чипталарни рўйхатга олиш бошланди. Навбат сўнгида туриб суҳбат асносида аста одимлаб борардик. Биздан уч-тўрт киши олдида турган ўрта ёшлардаги бир рус аёли (кейинчалик билсак у «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Вера Николаевна Кудрявцева экан) безовта бўлиб қолди.

— Вой, ҳамёним йўқ. Ҳозир мана бу ерда сумкамда турган эди. Пуллар-ку майли-я ичида тайёра чиптаси бор эди. Оғир ётган онамнинг олдига телеграмма орқали бораётгандим. Энди нима қиламан? Энди нима қиламан? Кампир бечора мени кўзи тўрт бўлиб кутадиган бўлди-да.

Аёл у ёққа югурди, бу ёққа югурди. Ҳеч гап чиқмади. Баъзилар навбатчи бошлиқ ҳузурига боришни таклиф этишди. Кўп ўтмай у кўзи тўла ёш билан яна қайтиб келди.

— Чипта олганлардан бирортаси келмай қолса унинг ўрнига тайёрага чиқишим мумкинмиш. Устига устак чипта учун пулим ҳам йўқ.

Раҳмдил одамлар ҳамма жойда ҳам топилади. Улар аёлнинг ҳозирги қолатини кўриб унга ёрдамга шошилишди. Биров 5 сўм, биров 10 сўм пул узатди. Ҳасанжон чидаб туролмади.

— Майли, мен эрта-индин учарман, чиптамни шу аёлга бераман, — деб қолди кутилмаганда.

— Ахир домланг кутгани чиқади-ку бугун.

— Ҳар қалай биз саломат одамлармиз-ку. Бир неча кун кечиксам бориб узр сўрарман.

Ҳасанжон ўз чиптасини Вера Николаевнага узатганида аёл миннатдорчилигини яшира олмади. Йиғлаб дўстимни қуча кетди.

У ўша куни, Ҳасанжон эса икки кундан сўнг манзилга учиб кетишди. Кейин билсак Вера Николаевна онасининг дийдорини кўришга аранг улгурибди. Мана шу яхшилик баҳона ҳозир бу икки ўзбек ва рус оиласи ўртасида самимий дўстлик иплари боғланган.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ЯНА ЁЗУВЧИЛАР ҲАҚИДА

⊙ Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофотининг совриндори, таниқли адиб Абдулла Қаҳҳор биринчи бўлиб ўзбек драматургиясини умумиттифоқ саҳнасига олиб чиқди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясини ўзбек режиссурасининг отахони Етим Бобожонов 1949 йили Ҳамза номидаги театр саҳнасида қўйди. Мамлакатимизда «Шоҳи сўзана»ни энг биринчи бўлиб Ленин комсомоли номидаги Ленинград театрида СССР халқ артисти Георгий Александрович Товстоногов саҳналаштирди (1952 йил).

Умуман, «Шоҳи сўзана» комедияси мамлакатимизнинг 74 театри саҳнасида қўйилган. Кейинчалик бу асар бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам ўз талқинини топди. Вьетнамда эса бу комедия саҳналаштирилди ҳамда алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

⊙ ЎЗБЕК адабиётининг атоқли намояндаларидан Абдулла Қодирий (Жулқунбой) жумҳуриятимизда энг биринчи бўлиб ўзбек романчилиғига асос солди. Унинг 1926 йилда яратилган «Ўтган кунлар» номли тарихий романи адабиёт мухлисларига яхши таниш.

Оддий ўзбек деҳқони образини йирик жанрда — романда биринчи бўлиб яратган адиб ҳам Абдулла Қодирий ҳисобланади. 1934 йилда севимли адибимиз Абдулла Қодирий ўзининг «Обид кетмон» романини эълон қилди.

⊙ ЎЗБЕКИСТОН Ёзувчилар уюшмасини энг узоқ вақт бошқарган адиб бу — жумҳурият Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшиндир. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қарийб 22 йил (1958—1980) раҳбарлик қилди.

Собир ОРИПОВ тайёрлаган.

Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,
Бугун тушунарсан қариган чоғинг.

Носир ХИСРАВ.

ҚАРИЯЛАРНИ иззат-ҳурмат қилиш, уларнинг хизматида бўлишнинг ўзига хос ҳикмати, сир-асрори бор. Кексайиб мадордан кетган ота-онани эъзозлаш ҳар фарзанднинг бурчи, ҳаётидаги қарзи, ҳам фарзи ҳисобланади. «Сен ота-онангга нимаики қилсанг, фарзандларингдан шуни кўрасан», деган ибора турмушда кўп синовдан ўтиб, аниқ-равшан исботланган.

Кейинги пайтда «Қариялар чойхонаси», «Қариялар кенгаши», «Оқсоқоллар мажлиси» каби доно кексаларимиз тўпланадиган масканлар ташкил этилаётгани қувончли ҳолдир. Бундай тадбирлар янаям кенгайса, унга ёшлар ҳам жалб қилинса жуда яхши иш бўларди. Кексаларимиз ўгитларидан ёшларни

Раҳмдил ва меҳр-мурувватли бўлайлик

ҚАДАМИНГИЗГА ҲАСАНОТ!

баҳраманд қилиш фойдадан ҳоли эмас. Кексаларнинг ақл-заковати билан ёшларнинг ғайрат-шижоати омухталанса кони фойда. Кексалар нафақат тўғри маслаҳатчи, балки ўзларининг ибратли томонлари билан ёшларга ўрнак бўлишади. Кексалардаги инсоф, диёнат, фаросат, ҳокисорлик, покизалик, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш каби фазилатлар жамулжам бўлиб, кейинги авлодларга зийнатли одоб бўлиб қолади.

Биз инсонийлик хислатлари деб номлаган, тириклик зийнатлари қарияларимиз томонидан сайқалланиб, маъно ва мазмуни бойиб, одамзотнинг бебаҳо бойлигига айланган. Алломалардан бири, кексаликни — одамзот учун айни ҳосил даври, деб бекорга айтмаган. Ёш авлод шу мўл ҳосилдан қанчалик кўп баҳраманд бўлса, шунча яхши. Ушбу ноёб ҳосилнинг бетакрор лаззатли мевалари танангга роҳат, ақлингга ақл, эзгуликка эзгулик қўшади. Ундан бутун ҳаётинг мунавварлашади. Фикринг тиниқлашиб, кўнгил ғуборлари ювилади. Бутун жисминг таскин топиб, ҳузурланиб роҳатланасан. Ҳа, дўстларим инсонийлик фазилатларини хазинабонлари бўлмиш, кексаларнинг иззатини ўрнига қўйиб, ундан оқилона фойдаласак бўлгани, у ёғи—омонлик!

Ешмисан, кексани сен ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан ҳозирдан ўйла!

Ҳа, мавлоно Фаридиддин Аттор таъкидлаганидек, ҳар ким қариб юрсин, жувормаг бўлишдан асрасин, шоир Абдулла Орипов зикр қилганидек «тириклик ҳам ярим ҳикматдир». Узоқ умр кўриб, қариб юришлик эса тўлиқ ҳикматлар сирасига киради. Қарияларни ҳурмат-иззат қилиб, паваришласак умримизга барака бўлади.

Ривоят қилишларича, иқтидорли шогирдлардан бири устози ҳузурига бориб:

— Устоз, рухсат берсангиз, сафар жабдуғларини тайёрлаб, улуғ авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилиб савоб олсам, — дебди. Шунда устози:

— Сенинг улуғ авлиёларни зиёрат қилишга ҳеч қандай заруратинг йўқ, уйда падари бузрукворинг бор, ўшанинг хизматини қилсанг, шунинг савоби мингта зиёратдан афзал бўлади, — деб жароб берган экан.

Ёшларимиз баъзида кексалардан ўзларини доно ҳисоблаб, ҳамма нарсани биладигандек тутадилар, қарияларни камситадилар. Донолардан бири айтган экан: «Инсонга ёшлик бир марта, болалик эса икки марта берилади». Ана шу иккинчи марта «бола»лигини ўтказаётган қарияларимиз кўнгли жуда нозик бўлиб қолади. Демак, уларга қилинаётган муомалада жуда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Қарияларни ранжитиш, хафа қилиш, жеркиб ташлаш кечириб бўлмайдиган гуноҳи азимдир. Ҳа, азизлар, кексаларни хор қилган, уларнинг қарғишига гирифтор бўлганлар заволга учраганликларини қаётда жуда кўп учратганмиз.

Унутмайликки, узоқ умр кўришнинг ҳам қариб, кексайиб юриш ҳам одамзодга табиатнинг эҳсони. Кексалар қаёт қозонида қайнаб пишиган, турмуш синовларидан ўтиб ақли қаймоқлашган, сермулоҳаза, босиқ, вазмин кишилар бўладилар. Уларнинг унча-бунчага жаҳллари чиқмайди. Йўқчиликка чидаш ҳам, борчиликка шукроналик ҳам уларда. Шундай беозор, мулойим, оқил ва табаррук ёшли кексаларни ранжитган ярамаслар ҳаётга бир-икки марта чап беришлари мумкин, аммо охири тумшуғидан илиниб расвою радди бало бўлиши аниқ. Шунинг учун ҳеч кимни ранжитиш керак эмас, айниқса кексаларни! Қариялар ҳурмат ва иззатга лойиқ мўътабар зотлардир.

Мусақул УСМОНОВ,
Тошкент иқтисодиёт дорилфунунининг доценти, тарих фанлари номзоди.

● **Франциянинг машҳур «Пари-матч» ҳафтаномаси шу саволни берар экан, «бойлик» сўзининг чин маъносини, яъни ер-сувларни, уйларни, банк ҳисобидаги жарақ-жарақ пулларни, компанияларнинг акцияларини ва ўз-ўзидан маълум жавоҳирларни назарда тутган эди.**

Бу савол «Оқшом» рўзномаси муштарийларини қизиқтириши ҳам табиий, албатта. Шуни назарда тутиб «Труд» рўзномасининг куни кечаги сонида босилган мақолани улар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

ЖАҲОННИНГ ЭНГ БОЙ ХОНИМЛАРИ КИМ?

ЭЪТИРОФ этилишига қараганда, жаҳондаги энг бой аёл Англия қироличаси Елизавета II бўлиб, унинг мол-дунёси 10,7 миллиард долларга тенг деб баҳоланар экан. Бу Буюк Британия йиллик бюджетининг 1/35 улушини ташкил этади. Мана қирқ йилдан бери тахтда ўтирган Елизавета II измидаги қироллар сулоласининг бойликларини бир-бир санайман десангиз кўп вақтингиз кетади. 100 минг гектардан зиёд экинзорлар, қадимги мусаввирларнинг мўйқаламига мансуб расмларнинг ғоятда бой тўплами, қимматбаҳо тошлар (уларнинг орасида вазни 108 каратга тенг машҳур «Кўҳинур» олмоси ажралиб туради), машҳур рус заргари Фаберже ясаган ва ҳар бири камида 4 миллион доллар турадиган пасха тухумлари ва ҳоказо ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Фақат бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак, қироллар хонадонига тегишли мулкнинг каттагина қисмини бировга бериш ҳам, сотиш ҳам мумкин эмас.

Энг бадавлат хонимлар рўйхатида Елизавета II дан сўнг иккинчи поғонани америкалик 83 яшар Эсте Лаудер эгаллаб турибди. Унинг даврасидаги кишиларнинг таъкидлашича қараганда, Елизавета II нинг давлати асрлар мобайнида тўпланган бўлса, Лаудер хоним ўзининг метиндек иродаси, кўп нарсани олдиндан кўра билиши ва хотин-қизлар руҳиятидан яхшигина бохабарлиги туфайли муваффақиятга эришган. Аср бошида, Чехословакиядан кўчиб келган оилада туғилган Эсте Лаудер ўзининг атир-упа-пардоз-андоз империясини қадам-бақадам тиклаган. «Пари-матч» ҳафтаномасида эълон қилинган маълумотларга қараганда, ҳозир унинг капитали 5 миллиард доллардан ошиб кетган.

Ана шу америкалик сингари Франциянинг энг бой аёли Лилиан Беттенкур ҳам ўзининг 2 миллиард долларга тенг давлатини хотин-қизлар эвазига, уларнинг ҳамиша чиройли кўринишга интилиши туфайли тўплаган. Шу билан бирга у ҳозирги замон косметологиясига ва оламга машҳур «Ореаль» фирмасига асос солган отаси Южен Шуэлердан миннатдор бўлиши керак. 30 йил муқаддам, отаси вафотидан сўнг, ягона меросхўр бўлмиш Беттенкур хоним оилавий ишни ўз қўлига олиб, уни мустаҳкамлабгина қолмай, янада кенгайтиришга муваффақ бўлди. Франциянинг энг бадавлат аёли Беттенкур хоним жаҳон бойлари рўйхатида саккизинчи ўринни эгаллайди. Ундан бир поғона юқори ўринда соҳибжамол опа-сингил Копловичлар туришади. Уларнинг отаси Польшадан Испанияга 30-йилларда кўчиб келган эди. Қобилиятли, кўзлаган мақсадидан қайтмайдиган ана шу ғишт терувчи ўнлаб йиллар мобайнида Испаниянинг қурилиш тижоратида ўз мавқеини мустаҳкамлаб борди. Айтиш мумкинки, ўз мақсадига эришди. Ҳозир унинг айтгани айтган, дегани деган, унинг олдига тушадигани йўқ. У ўз ишини қизларига мерос қилиб қолдирди. Ҳозир нозик малласоч Алисия 39 ёшда. Жозибада ундан қолишмайдиган қорасоч Эстер эса 41 ёшда. Яқиндагина, бир неча ой фарқи билан, опа-сингил Копловичлар ўз эрларидан ажралишди ва 2,5 миллиард долларга тенг мол-мулкнинг эгалари бўлиб қолишди.

42 ёшли Шанталь (турмушга чиқмасидан олдинги исми Рупер) боғиб ўтган йўл бошқача. 70-йилларнинг бошларида Шанталь (ўртаҳол оиладан чиққан бир қиз) маиший радиотехника магнати немис Макс Грюндигнинг хонадонига тарбиячи сифатида қабул қилинди. Ўша вақтда Грюндиг 60 ёшда эди. Хотини, уч нафар катта фарзанди бор эди. Аммо севги ёш танламайди, деганларидек, Шанталь билан ишқ-муҳаббат кекса бойнинг юрагидан урди. Ана шу муҳаббат меваси бўлмиш кичкинтой Мари-Александра 1979 йилда туғилди. Орадан икки йил ўтгач, Макс Грюндиг хотини билан ажралишиб, Шанталга уйланди. 1989 йилнинг декабрида у вафот этди ва ўзининг телерадиомагнитофон империясининг 70 фоиз акциясини, шунингдек тўртта меҳмонхонани Шанталга мерос қилиб қолдирди. Шунга қарамай, Шанталь жаҳондаги энг бой аёл эмас. Унинг давлати «атиги» 1 миллиард доллар деб баҳоланади, ўзи эса «Пари-матч» ҳафтаномасининг рўйхатида 19-ўринни эгаллайди холос.

Шанталь, Алисия, Эстер... Уларнинг ҳаммаси эндиликда бой, аммо ҳозирча ёлғиз, бошлари очиқ. Уларнинг кўнглини овлашга, уйланишга даъвогарлар сонини тахмин қилиш мумкин эмас. Умуман олганда, бой меросхўрлар ва бевалар кўнглини овлаш кўпчилик учун росмана касб-кор бўлиб қолган, бу борада ҳеч нарсани ўз ҳолига ташлаб бўлмайди. Ҳафтаноманинг ёзишига қараганда, бу иш касб-кор турларидан бирига айланган.

Жумладан, Далласда Жина Поло Сейлс исмли кимсанинг агентлиги муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ана шу аёл 125 доллар эвазига бир соатда хоҳловчиларни «бева миллионер аёллар бошини айлантириш» санъатига ўргатади. Жинанинг фикрига қараганда, бу ғоят нозик иш бўлиб, маълум миқдордаги капитал маблағларни талаб қилади. Бой келинларни улар тез-тез бўладиган «хилват жойларда» — яъни қимматбаҳо ишратхоналарда ва аслзодаларнинг клубларида «овлаш» лозим. Шунингдек, топармон-тутармон кишилар яшайдиган районда жойлашиб олиш керак. Кийинишнинг ҳам сири бор: кийимингиз кўзга ташланмайдиган бўлиши, аммо улар қимматбаҳо дўконлардан харид қилиниши лозим. «Овчилар» кийимларига ҳар хил тилла занжирларни, ҳалқаларни ва бошқа тақинчоқларни тақмасликлари зарур, акс ҳолда бундай дидсизлик «ўлжа»ни чўчитиб юборади, деб ҳисоблайди Жина. Унинг сўзларига қараганда, «боши айлантирилаётган» шахсга тоба бўлиб қолиш асло мумкин эмас, аксинча қаттиққўл бўлиш, ҳатто майда-чуйда жанжаллардан ҳам чекинмаслик керак. Бундай жанжаллар айни пайтда уларга «рағбатлантирувчи омил» сифатида таъсир қилар эмиш. Аммо энг муҳими — эркаклик ғурури, деб ҳисоблайди Жина, бойлар билан иш олиб борганда, ғурурни асло йўқотиб бўлмайди. Бу фазилат энг юқори даража билан баҳоланади. Ана шу қонданинг тўғрилигини тасдиқлагандек, кино юлдузи ва ғоятда давлатманд аёл бўлмиш Лиз Тейлор саккизинчи марта, бу сафар оддий юк машинасининг ҳайдовчисига турмушга чиқди. У маҳбубини олий мартабали аслзода дўстларига таништирар экан: «Сахий қалб эгаси бўлган эркак асло қашшоқ бўлолмайди», дебди.

⊙

СУРАТЛАРДА: Буюк Британия қироличаси Елизавета II; опа-сингил Эстер ва Алисия Копловичлар.

Суратлар француз ҳафтаномаси «Пари-матч»дан олинган.

Ҳар тўғрида

Варшава. Белосток шаҳридаги автобус парки билан рақобат қиладиган хусусий фирма пайдо бўлди. У автобус парки иш ташлаган кунларда йўловчиларни ташийди. Ҳамма гап худди ана шу иш ташлашдан бошланди. Автопарк ходимлари бир неча ой илгари шаҳар маъмурлари олдига қўйган талаблари орасида: директор эгаллаб турган лавозимидан бўшатилсин, деган шарт ҳам бор эди. Улар автобус паркида маош камлиги ҳамда меҳнат шароити яхши эмаслиги учун айбдорлардан бири директор деб ҳисоблашарди.

Директор ишдан кетди ва автобус фирмасига асос солди. Ўша автопаркдаги энг яхши ҳайдовчилардан йигирма киши ва олти нафар слесарь унга ишлашга ўтишди. Энди фирма шаҳардаги учта йўлда йўловчиларни ташимоқда. Автопарк ҳайдовчилари ўша талаблар — маошни ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш талаблари билан иш ташлаган кунларда хусусий фирма ҳайдовчилари одам ташиладиган йўлларни кўпайтирадилар.

Виндхук. Кашшофлик даврини бошидан кечирган кўпчилик «Зарница» ҳарбий ўйинини яхши билади. Жанубий Африка республикасида ҳам худди шунга ўхшаш ўйин бор. Тўғри, у ерда ўсмирлар эмас, балки Кейптаун шаҳридаги катта ёшдаги ва ҳурматли кишилар уруш-уруш ўйнашади. Олачипор комбинезон ва ҳимояланиш ниқобларини кийиб олган беллашув қатнашчилари икки «армияга» бўлинадилар. Рақибнинг байроғини қўлга киритиш уларнинг вазифасидир. Ҳар иккала команда газ қуроллардан фойдаланади, улар бўёқ тўлдирилган желатинли капсулалардан отадилар. (Ўйиннинг номи ҳам ана шу инглизча «Пэйнт» сўзидан келиб чиққан бўлиб, бўёқ маъносини билдиради). Бўёқли ўқ теккан жангчи ўлган ҳисобланади ва жанг майдонидан чиқиб кетади.

Кэптаун пэйнболи ишқибозлари «Кап кўзойнакли илонлари» клубига бирлашганлар. Унда 35 нафар фаол аъзо бўлиб, дам олиш кунлари мунтазам равишда шаҳар атрофларида отишма ўйнайди. Ўйинда аёллар ҳам қатнашадилар.

Масеру. Христофор Колумб Американи кашф этганлигининг 500 йиллиги арафасида ушбу қитъа заминига ўша пайтдаги кишиларнинг қайси бири биринчи бўлиб қадам ташлагани тўғрисидаги масалани шубҳа остига қўйишга уриниш бўлди. Жанубий Африкадаги САБК Жанубий Африка радиостанцияси мухбирининг хабар қилишича, Декарда ўтказилган «Африка ва янги дунё» халқаро анжуманида Колумбдан тахминан юз йил аввал африкаликлар экспедицияси Атлантика океанини кесиб ўтганлиги хусусида фикр билдирилди. Ана шу экспедицияга Мали империясининг ҳокими Бакари II бошчилик қилган эди, у ўзи кашф этган қитъага биринчи бўлиб қадам қўйишга сазовор бўлганлигини ўзи эълон қилган эди.

Ушбу фикрни ҳимоя қилаётган Сенегал профессори ўрта асрларда арабларнинг Ғарбий Африка аҳолисининг денгизларда сузиш даражаси анча юқори бўлган, деб ҳисоблайди. Улар Марказий Америкага қулай об-ҳаво шароитларида етиб бориш учун ҳаракат қилганлар.

(ТАСС).

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.





Олтин кузининг саррин ва салқин елларн эсди. Тошкент жамолига қуёшнинг заркал нурлари билан олтиранг ипроқлар ярашиб, очмуҳта бўлиб кетди-да, ажиб бир фусункорлиқ кашф этди. Салобатли кошоналар, марварид томчилар сочаётган фавворалар, ёқутдек товланиб очилган гул-чечаклар Эрам боғи тароватн сингари дилга ором, қалбга илҳом беради. Кичкинтой ширинтойн билан сайрга чиққан она ипроқлардан «гулдаста» ясаб бериб дилбандини эркалайди. Ипроқлар фақат олтин ранг эмас: қизил, сариғиш, қизғиш, кўкимтир, яна аллақандай тусларда жилоланади.

Тошкент кузи шундай гўзал, унинг жамолида камалакнинг ҳамма ранглари жилва қилади.

Воҳид Тўраев сурат-лавҳалари.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 21

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Учар хўтикча». Мультфильм.
18.20 «Обуна-92».
18.50 «Тилимиз муаммолари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Узбекистон Давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.15 «Ёшлик хандаси».
21.00 «Ахборот».
21.25 Шукрулло. «Жанжал». Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг спектакли.
22.45 «Дадиллик учун юз грамм». Бадиий фильм («Мосфильм»).
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Эртанги куй жадвали». Телефильм.
19.00 «Ассалому алайкум» (такрор.).
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Утган кунлар унутилмайди». Телефильм.
20.50 «Миришкорлар».
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 «Насриддин Бухорода». Бадиий фильм («Узбекфильм», рус тилида).

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан, душанба, 21 октябрь куни МТ — «Орбита IV» кўрсатувлари соат 15.30 дан, МТ— «Дубль» IV» кўрсатувлари эса соат 15.40 дан бошлаб намойиш этилади.

● МТ— «Орбита IV»

15.30 ТСН.
15.45 «Бу бўлган, бўлганди».
16.00 «Бўлмадагилар, тингланг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
17.10 Болалар соати (француз тили дарси билан).
18.10 «Ўй бир йил ва бир умр».
18.55 «Ён дафтар».
19.00 ТСН.
19.15 «Бозор. Танлаш даври».
19.45 «Россия камдан кам тушимга киради...». Ҳужжатли фильм премьераси. Ф. И. Шаляпининг ҳаёти ва ижоди ҳақида («ЦСФД»).
20.20 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». Бадиий фильм. 1-фильм. 1-серия — «Аббат Фариа» (Одесса киностудияси «Интар-медиа» (Франция) иштирокида суратга олган).
21.30 Информацион программа.
22.10 Футбол шарҳи.
22.40 М. Е. Салтиков-Шчедрин. «Соялар». Телевизион спектакль премьераси.
00.30 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
00.45 Муаллифлар ойнанжаҳони.
02.30 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». 1-фильм. 1-серия — «Аббат Фариа».

● МТ— «Дубль IV»

15.40 «Кичик бекатдаги киши». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»).
16.50 «Мусаввирлар ҳақида ҳикоялар». Н. Ромадин.
17.30 «Телевизион мусиқий абонемент». Эмиль Гилельс. Чет эл сафарлари архивидан.
18.30 Мультфильм.
18.45 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Шахсий фикр».
19.40 «Қирралар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 Деҳқонларга тааллуқли масала. «Муқаддас манба».
21.35 Екатеринбург ҳужжатчиларининг энг яхши фильмлари: «Биз барҳаёт халқ бўлиб қолдик», «Жириновский», «Мулоқот», «Ҳарбий сир».
22.35 «Бешинчи гилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 Хабарлар.
23.45 «Бешинчи гилдирак» (давоми).

Сешанба, 22

● УзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Излаб топ мени, Лёня». Бадиий фильм («Ленфильм»).
10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележаридa».

* * *

15.55 «Пахтакор» ва СССР терма командалари фахриялари ўртасида футбол ўйини.
17.45 «Арқон», «Ҳамма нарса яхшилик билан тугаги яхши». Мультфильмлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Дўстлар». Мультфильм.
18.20 «Кичкинтой» устахонасида».
18.50 «Жамоат ташкилотларида».
19.20 «Шеърият дафтаридан». Ҳалима Аҳмедова.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Хива». «Узбектелефильм» премьераси.
20.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт.
21.00 «Ахборот».
21.25 «Спортлото».
21.30 «Санъат усталари». Қувондиқ Искандаров.
22.30 «Мустақил Узбекистон». Видеофильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 Информатика. «Бейсик» тили (ўқув кўрсатуви).
11.00 «Табиат қўйнидаги рақс». Телефильм.
11.30 «Оила» (такрор.).

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Мусиқий меҳмонхона».
19.00 Спорт кўрсатувлари: 1. Спринт. 2. Регби бўйича СССР биринчилиги.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Серафима ороли». Телевизион бадиий фильм.
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.

● МТ— «Орбита IV»

7.00 «Тонг».
9.35 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». 1-фильм. 1-серия — «Аббат Фариа».
10.40 Болалар соати (француз тили дарси билан).
11.40 Цирк майдонида.
12.30 ТСН.
12.45 Биржа янгиликлари.
13.00 «Бир бирига ўхшаш дунёлар».

* * *

14.45 «Телемикст».
15.30 ТСН.
15.45 «Масловкадаги уй». Ҳайкалтарош Н. И. Нисс-Гольдман ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
16.15 «Бўлмадагилар, тингланг». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
17.20 «Чемпионлар билан бирга»да».
17.35 «Болалар мусиқий клуби».
18.20 «Сеҳргар Баҳромнинг мероси». Мультфильм.
18.40 Биржа янгиликлари.
19.00 ТСН.
19.15 «Ён дафтар».
19.20 «Қизиқувчилар оламы».
19.35 «Босқичлар».
20.20 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». Бадиий фильм. 1-фильм. 2-серия — «Граф Монте Кристо».
21.30 Информацион программа.
22.10 Санъат усталари. СССР халқ артисти Ю. Яковлев.
23.30 Парламент кундалиги.
23.45 Белоруссия Давлат телерадиоси академик хорининг чиқиши.
00.30 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
00.45 «Сўз» ижодий бирлашмаси таништиради: «Китобхона».
01.50 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 13-кўрсатув.
02.10 Атлетизм. СССР чемпионати. Минскдан кўрсатилади.
02.55 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». Бадиий фильм. 1-фильм. 2-серия — «Граф Монте Кристо».

● МТ— «Дубль IV»

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
9.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Якшанбада тайгага», «Бедана».
9.35 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35 Мультфильм.
10.40 Москва камер хорининг концерти.
11.25 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар.
12.00 «Бешинчи гилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув (такрор).
14.00 «Гражданлик даъвоси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Молдова-филм»).
15.05 Ритмик гимнастика.
15.35 Телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия — «Граф Монте Кристо».

* * *

17.45 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
18.45 А. С. Пушкин шеърлари янграйди.
19.15 Компьютер билан мулоқот
19.45 «Узоқ Шарқ». Телекўрсатув.
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 Концерт.
22.05 СКВ. Махсус тижорат хабарнома.
22.15 Екатеринбург ҳужжатчиларининг энг яхши фильмлари: «Яширин овоз бериш», «Шоҳсупали манзара».
23.05 «Очиғини айтганда». «ГКЧП энг олис ўлкаларгача». Кўрсатувни В. Цветов олиб боради.
23.35 Хабарлар.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Рус романси жозибаси».

Чоршанба, 23

● УзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Аньана ва замон».
9.15 Жаҳон кубоги-91. Ногиронлар ўртасида футбол бўйича халқаро мусобақалар.
9.45 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Комарилъ». Мультфильм.
18.30 «Шоирлар — болаларга».
19.00 «Чорвадор».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Телетомошабинлар ҳузурида». Снёсий шарҳловчилар билан учрашув.
20.30 Қиличбек Тожиев куйлайди.
21.00 «Ахборот».
21.25 Узбекистон халқ шоири Миртемир таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча.
22.55 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.25 «Болтиқ камалаги». Фильм-концерт.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Ишбилармонлар учрашуви».
20.30 «Ҳар қандай кучик енгиб». Телефильм.
20.50 «Олисдаги шуъла».
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 «Олқишлар».
22.40 «Кинонигоҳ».

● МТ— «Орбита IV»

7.00 «Тонг».
9.35 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». 1-фильм. 2-серия — «Граф Монте Кристо».
10.40 «Болалар мусиқий клуби».
11.25 «Сўз» ижодий бирлашмаси таништиради: «Китобхона».
12.30 ТСН.
12.45 В. А. Моцарт. Флейта, арфа ҳамда оркестр ижроси учун до мажор концерти.
13.20 «Хаёлпараст». Мультфильм.

* * *

15.30 ТСН.
15.40 «Менинг азиз кабутарларим». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.00 «Синган трест». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
17.05 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.05 «Планета».
18.50 «Биржа учувчиси».
19.00 ТСН.
19.15 «БМТ яхши келажак учун».
19.55 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». Бадиий фильм. 2-фильм — «Қайта яратгайман».
20.20 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». Бадиий фильм. 2-фильм — «Қайта яратгайман».
21.30 Информацион программа.
22.10 Катталар учун мультфильмлар.
22.30 Спорт кўрсатувлари.
00.30 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
00.45 Парламент кундалиги.
01.00 Мусиқий хазина. Ф. Лист. Си минор сонатаси. Л. Власенко ижро этади.
01.30 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». Бадиий фильм. 2-фильм —«Қайта яратгайман».

● МТ— «Дубль IV»

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
9.20 Н. Пейко. Квинтет-вариацилар.
9.35 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. «АҚШ оила альбоми».
10.35 «Ипак мўйқалам». Мультфильм.
11.00 Ю. Нагибининг муаллифлик кўрсатувлари. «М. Ю. Лермонтов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари».
12.00 «Бешинчи гилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув (такрор.).
14.00 «Муҳаббат юлдузлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.10 П. И. Чайковский номли трио чалади.
15.30 К. Гоцци. Театр учун эртаклар.

* * *

17.30 «Меросдан аҳлингни ишлатиб фойдалан». Илмий-оммабоп фильм.
18.00 «Адам Смит бойлиги дунёси».
18.35 «Делегатсиядаги музей».
19.15 Тадбиркорлик ва аньана.
19.30 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.45 Театр сафари. «Саҳна ортидан қараганда». В. Васильев «Золушка» балетини репетиция қилади.
20.45 Хабарлар.
21.05 Эълонлар.
21.10 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.25 «Вестник» Зальцбургда. Ю. Башмет ва унинг «Солисти Москви» оркестри». 4-фильм.
21.55 Екатеринбург ҳужжатчиларининг энг яхши фильмлари: «Бувимнинг уйи», «Мен уйимга борардим».
22.55 РСФСР Олий Кенгашининг сессиясида.
23.20 Эълонлар.
23.30 Хабарлар.
23.50 «Тенгачилар марафони». Дам олиш кўрсатуви.

Пайшанба, 24

● УзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Фарғонанинг мовий халқаси». Телефильм.
8.45 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада».
9.45 «Жасоратли кишилар».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Алифбо сабоқлари». II босқич.
18.50 «Ёзувчи ва замон». Узбекистон ёзувчиларининг X қурултойи якунлари ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Телетомошабинлар талабларига кўра. «Айтолмаган сўзим қолди». Рустам Қори қўшиқлари.
21.00 «Ахборот».
21.25 Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.40 «Шийпондаги учрашувлар».
22.40 «Келин». Бадиий фильм («Туркменфильм»).
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Узбекистон халқлари тарихи. Қўшон подшолигида маданият.
11.00 «Занг». Телефильм.
11.30 Мактабгача тарбия масалалари.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Кинокўзгуда ҳаёт».
19.30 Шифокорлар билан очиқ мулоқот.
20.30 Телефильм.
21.00 «Дастлабки қадамлар». Снёсий мавзуларда суҳбат.
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви.

● МТ— «Орбита IV»

7.00 «Тонг».
9.35 МТ экранида биринчи марта. «Иф қалъасининг махбуси». Бадиий фильм. 2-фильм. «Қайта яратгайман».
11.10 Мультфильмлар.
11.40 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. Танаффус пайтида — (12.30) — ТСН.
13.35 ИИВ маълумотларига кўра.

* * *

14.45 «Телемикст».
15.30 ТСН.
15.45 «Ғолиблар».
16.45 «Синган трест». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
17.55 «Сиғилгинам». Мультфильм.
18.05 «Бевосита мулоқот».
18.55 «Ён дафтар».
19.00 ТСН.
19.10 «16 бшгача ва ундан катталар».
19.50 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал.
21.30 Информацион программа.
22.10 ИИВ маълумотларига кўра...
22.25 «Эски таниш-ларининг оилавий хроникаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Артём». 1 ва 2-серия. Танаффус пайтида — Парламент кундалиги.
00.20 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
00.35 «Мусиқий бешорат».
01.05 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 14-кўрсатув.
01.25 Й. Гайдн. Ре минор мессаси.

● МТ— «Дубль IV»

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
9.15 «Чойнак масалалари». Телевизион ҳужжатли фильм.
9.35 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Испан тили, 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35 «Алёнушка ва аскар». Мультфильм.
11.00 «Менга насиб қилган йил...». Наум Коржавин.
12.00 «Козьма Минин. Тақдирга хотима». Ҳужжатли фильм.
12.30 Подольск епископи Виктор, Д. Лихачёв, Ш. Ямшиков «Правда» ва Ямское поле кўчасининг бурчаги» кўрсатувида.
13.00 «Сталиннинг тиззасида». Ҳужжатли фильм.
13.30 Биз ҳали билмаган Россия. «Елена ва Сергей...». Владивосток шаҳрили ёш мусаввирлар ҳақида.
14.00 «Муҳаббат юлдузлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Узбекфильм»).
15.05 «Она-замин ташвишида» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм.
15.35 Гитарачи А. Кузнецов иштирокида фильм-концерт.
16.10 Ритмик гимнастика.

* * *

17.45 Билимдонлар учун машқ.
18.05 Рус тили.
18.45 «Мулоқот-анжуман».
19.15 «Онам, дадам ва мен».
19.45 «Қирралар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 Екатеринбург ҳужжатчиларининг энг яхши фильмлари: «Мисрлик».
22.00 РСФСР Олий Кенгашининг сессиясида.
22.30 «Бешинчи гилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.30 Хабарлар.
23.50 Эълонлар.
23.55 «Бешинчи гилдирак» (давоми).

Жума, 25

● УзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Мутлоқ устунлик билан». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қайтиш». Мультфильм.
18.20 «Қиш эшик қоқмоқда».
18.50 «Фан» телеойномаси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Ёшлик» жаридаси саҳифаларида.
20.15 Наргиза Олимова рақсга тушади.
21.00 «Ахборот».
21.25 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт.
22.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Узи». Бадиий фильм («Ленфильм»).
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 Ботаника. Бутгулдошлар оиласи (ўқув кўрсатуви).
11.00 «Ҳайвонот оламида». Кинопрограмма.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ:

18.35 «Доктор Бартек ва ўлим». Мультфильм.
18.45 «Кўҳна ёдгорликлар».
19.00 «Ала-Тоо».
19.30 «Мезгил байланиши» (қирғиз ва рус тилларида).
19.50 «Қирғизтелефильм» кўрсатади. «Мен жумушчимман».
20.10 Давлат Ҳавфсизлик қўмитасининг матбуот маркази хабар қилади.
20.30 Жалолобод кўрсатади. «Мамлекеттик тил миллатимиз ва эки жил».
21.00 «Бизнинг умумий уйимиз». Уйғур тилида кўрсатув.
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 Шоир ва драматург К. Маликов таваллудининг 80 йиллигига. «Биздин Кубаничбек».

● МТ— «Орбита IV»

7.00 «Тонг».
9.35 «Инновация».
9.50 «...16 бшгача ва ундан катталар».
10.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.30 «Музликлардаги антенналар». Мультфильм.
11.40 «Эски таниш-ларининг оилавий хроникаси». Телевизион ҳужжатли фильм. «Артём». 1 ва 2-серия. Танаффус пайтида (12.30) — ТСН.

* * *

15.30 ТСН.
15.45 «Ҳозирча биз билансиз».
16.00 «Синган трест». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
18.05 Биржа янгиликлари.
18.35 «Шерик».
19.05 ТСН.
19.15 «Инсон ва қонун».
20.00 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
21.30 Информацион программа.
22.10 Футбол шарҳи.
22.40 «ВИД» таништиради.
01.55 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
02.10 Парламент кундалиги.
02.25 «Поэзия». Ё. Есенинга бағишланади.
03.25 Сизни Карл Мойк таклиф этади (Австрия).

● МТ— «Дубль IV»

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
9.20 Н. Пейко. Квинтет-вариацилар.
9.35 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. «АҚШ оила альбоми».
10.35 «Ипак мўйқалам». Мультфильм.
11.00 Ю. Нагибининг муаллифлик кўрсатувлари. «М. Ю. Лермонтов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари».
12.00 «Бешинчи гилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув (такрор.).
14.00 «Муҳаббат юлдузлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.10 П. И. Чайковский номли трио чалади.
15.30 К. Гоцци. Театр учун эртаклар.

* * *

17.30 «Меросдан аҳлингни ишлатиб фойдалан». Илмий-оммабоп фильм.
18.00 «Адам Смит бойлиги дунёси».
18.35 «Делегатсиядаги музей».
19.15 Тадбиркорлик ва аньана.
19.30 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.45 Театр сафари. «Саҳна ортидан қараганда». В. Васильев «Золушка» балетини репетиция қилади.
20.45 Хабарлар.
21.05 Эълонлар.
21.10 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.25 «Вестник» Зальцбургда. Ю. Башмет ва унинг «Солисти Москви» оркестри». 4-фильм.
21.55 Екатеринбург ҳужжатчиларининг энг яхши фильмлари: «Бувимнинг уйи», «Мен уйимга борардим».
22.55 РСФСР Олий Кенгашининг сессиясида.
23.20 Эълонлар.
23.30 Хабарлар.
23.50 «Тенгачилар марафони». Дам олиш кўрсатуви.

Шанба, 26

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

*

9.00 «Серёжа». Бадиий фильм («Мосфильм»).
10.15 Спорт кўрсатувлари: 1. «Қувноқ стартлар». 2. «Шоҳруҳ клуби».
11.55 «Оналар мактаби».
12.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дугоналар».
13.20 «Экология». Тележаридa.
14.00 «Театр ва замон». «Навруз» театр-студияси —меҳмонимиз.
14.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чарҳпалак» ёки «Бахтингдан кўр». 7-кўрсатув (такрор.).
15.50 «Тошкент термосларни».

* * *

18.00 «Ғилон». Телефильм.
18.10 «Мультипанорама».
19.00 «Узбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Узбекистон». Телевизион киножурнал.
20.00 «Муҳаббат навоси». Э. Воҳидов ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.
21.00 «Ҳафтанома».
22.00 «Кино, кино, кино...». Кинокўрсатув.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:

11.05 Спорт канали (рус тилида).
12.00 Умумхалқ референдумининг бориши ҳақида репортаж.
12.15 Фильм-концерт.
13.00 «Оба дурмуши». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
14.00 «Биз — автомобилчилармиз». Видеофильм.

* * *

17.05 «Қардошлик». Узбекистон телевиденнесининг кўрсатуви (рус тилида).
18.05 Умумхалқ референдумининг бориши ҳақида репортаж.
18.20 «Еднган». Адабий-мусиқий кўрсатув.
19.30 Телефильм.
19.55 «Туркменистон» (рус тилида).
20.10 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.30 Кичик саҳналар.
21.00 «Туркманистон».
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 1991 йил ҳосили. «Омад сизга, пахтакорлар!».
22.30 «Қайғусиз Отабоев». Телевизион бадиий фильм.

● МТ— «Орбита IV»

7.00 Ритмик гимнастика.
7.35 «Сичқонча ва қора инқоби. Мультфильм.
8.00 Дўстлик концерти.
8.30 Ритмик гимнастика.
9.00 ТСН.
9.15 «Здоровье».
9.45 «Ҳайвонот оламида».
10.30 «Бурда моден» таклиф этади...
11.00 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
11.30 «Қизиқувчилар оламы».
11.45 «Қўшиқ ҳақида хотира».
12.20 Экологик шарҳ.
12.35 Мультфильм.
12.40 Режиссёр А. Белинский фильмлари. «Бальзаминовнинг уйланиши» («Ленфильм»).
14.00 Иқтисодий агентлик.
15.00 «Уз-ўзинга мадад бер».
15.50 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Зоя кетган вақт ҳақида эртак» («Мосфильм»).
17.20 «Одамлар ва тарих». Юқори синф ўқувчилари учун кўрсатув.
18.20 «Ажойиб шаҳар Москва». Олти серияли телевизион ҳужжатли фильм. 1-серия.
19.05 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. Финал. «Чикаго буллз» — «Лос-Анджелес лейкерс».
20.05 «Майя эриси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 17-серия.
20.30 «Мусиқа ва мода».
21.30 Информацион программа.
22.10 «Эдди Холмнинг иккинчи умри». Телевизион бадиий фильм премьераси (Дания телевиденнеси).
23.40 Парламент кундалиги.
23.55 «Бир боқишда...». Биринчи кун.
00.35 «Бир бенефис тарихи». Барри Алибасовнинг «Наҳа» томошаси.
01.50 «Чашма». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар («Грузия-фильм»).

● МТ— «Дубль IV»

8.30 Эрталабки бадантарбия машқлари.
8.45 Мультфильм.
9.05 «Пост-монтре-91» фестивали.

*

11.05—14.30
УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

14.30 «Уз қўнғироқхонасидан» (Санкт-Петербург).
14.50 Халқ аньаналарининг қайта тикланаётганлиги ҳақида кўрсатув.
15.35 «Асраб, авайла».
16.30 РСФСР Олий Кенгашининг сессиясида.
17.10 «Чистие прудидаги уй». (Р. Быков маркази).
18.50 «Республика» ижодий ишлаб чиқариш уюшмаси намойиш этади.
19.45 В. Познер ва Ф. Донахью кўрсатуви.
20.35 Хабарлар.
20.55 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.10 «СССР матбуот маликаси».
21.45 Ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон кубоги.
22.10 «Росмузимпорт».
23.10 Эълонлар.
23.15 Хабарлар.
23.35 «Джаз кемаси». Мусиқий кўрсатув.
00.05 Бадиий фильм.
01.30 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «ВЭФ» (Рига)—МАСИ.

Якшанба, 27

● УзТВ I

8.00 «Ҳафтанома» (такрор.).

*

9.00 «Парилларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм («Беларусьфильм»).
10.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар» видеоканали.
12.45 Араб тили.
13.15 Автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган кўрсатув.
13.50 Инглиз тили. 9-машғулот.
14.20 Жаҳон кубоги-91. Ногиронлар ўртасида футбол бўйича халқаро мусобақалар.
15.05 «Қизиқарли учрашувлар». Шоҳбоз Низомиддинов оиласи.
15.40 «Дадил қадам».

* * *

18.00 Болалар учун. «Кичкинтой».
18.30 «Халқаро ҳаёт».
19.00 «Сиҳат-саломатлик».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Билдирсой». Телефильм («Узбектелефильм»).
20.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт.
21.00 «Ахборот».
21.25 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
22.25 Алишер Навоий номидаги Узбекистон Республикаси Давлат мукофотининг совриндори Абдулҳамид Чўлпон.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

8.00 «Сапода». Мусиқий ахборот.
10.05 «Офарин». Қувноқ спорт ўйинлари.
10.55 Кинопрограмма.
11.35 «Суғднёна» қизлари». Бадиий фильм.

* * *

17.05 «Суғднёна» қизлари». Бадиий фильм.
18.20 «Гулшани адаб».
19.00 «Кошонаи Лайлй».
20.00 «Ахбор».
20.15 Тожикистон ойнаи жаҳонни хазинасидан. «Базм». Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 «Базм» мусиқий кўрсатувининг давоми.
22.35 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ— «Орбита IV»

8.30 Ритмик гимнастика.
9.00 ТСН.
9.25 «Спортлото» тиражи.
9.40 «Сиз яратган бог».
9.55 «Эрта саҳарлаб, А. Райкин таваллудининг 80 йиллигига бағишланган махсус сони.
20.20 «Номзад». Телевизион бадиий фильм премьераси («Тожиктелефильм»).
21.30 Информацион программа.
22.10 Телевизион спорт оқшоми.
23.10 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Торпедо». Танаффус пайтида — Тэквондо. Самсунг кубоги.
01.05 «Бир боқишда...». Иккинчи кун.
01.40 «Санамлар». Саша Хлопков ва «Маленький принц» гуруҳи.
02.10 «Астра» таништиради: «Уларнинг тўйлари бўлганди».

● МТ— «Дубль IV»

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.50 Шеърият лаҳзалари.
9.05 Мультфильмлар.
9.50 «Келинг, бугун бир ўйлаб кўринг». Ижодий реабилитация маркази ҳақида.
10.20 «Янги ерга». Ҳужжатли фильм.
11.00 «Джентльмен-шоу».

*

11.30—16.05
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

16.05 «Қизил тўйлар». Бадиий фильм (Франция).
17.40 «Республика» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси намойиш этади.
18.35 Л. Вайкуле билан учрашув.
19.25 Россиянинг парламент хабарномаси.
19.35 Россия энциклопедияси. Лосев суҳбатлари.
20.30 Хабарлар.
20.50 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.05 «Йўлдагилар учун», Ҳужжатли фильм.
21.35 Виндсерфинг бўйича СССР чемпионати. Анападан кўрсатилади.
21.50 «Жанр изланиши». Л. Филатов.
23.25 Эълонлар.
23.30 Хабарлар.
23.50 «К-2» таништиради: «Мадина».

1992 йил учун «Оқшом»га обуна давом этмоқда. Йиллик обуна нархи—25 сўм 68 тийин, ярим йилга—12 сўм 84 тийин. Нашр кўрсаткичи—64690.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари қар кунн ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Ҳамма эълонлар ва тижорат хабарларини Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг эълонлар бўлими тайёрлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41

© 78.598 нусхада чоп этилади. © Нашр кўрсаткичи 64690. © Буюртма 6123. © Босмага берилиш вақти 11.30. © Босмага берилди 12.15. © 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10